


Ношукр бандалар ҳамон залолатда



21:00 / 19.02.2019 3940

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

حَسِيرٌ وَهُوَ خَاسِئًا الْبَصْرُ إِلَيْكَ يَنْقَلِبُ كَرْنَيْنِ الْبَصْرَ أَرْجِعْ ثُمَّ ٤

«Сўнг такрор-такрор назар сол, назар истаганини топа олмай, сенга ҳориб-чарчаган ҳолда қайтадир» (4-оят).

Яъни «Қанча тикилиб қарасанг ҳам, бепоён осмоннинг тузилишидан заррача айб топа олмайсан. Айб топармиканман, деб қилган умидинг пучга чиқади. Назаринг ҳориб-чарчаб, ҳеч камчилик топа олмай, ўзингга қайтади».

Бу қуръоний тушунча бекаму кўст экани бугун қайта-қайта исботланмоқда. Электрон телескоплар ёрдамида нарсаларни 900 минг марта катталаштириб ва миллионлаб метр яқинлаштириб кузатаётган олимлар Аллоҳ таолонинг яратувчилик қудрати олдида тиз чўкиб, бош эгдилар.

Кўплари иймонга келдилар ва келишмоқда. Ношукр бандалар эса ҳамон залолатда.